



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

20 21 -yil 19 - mart

536k -son

Bog'ot shaharchasi

**Bo'got tumanida санитар дружина ва санитар постларни ташкил қилиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тузимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомига асосан тумандаги корхона ва муассасаларда фуқаро муҳофазасининг штатдан ташқари санитар тузилмаларини тузиш ва улар шахсий таркибини бошланғич махсус тайёргарлик ўқув курсларидан ўтказиш чораларини ташкил этиш, санитар тузилмаларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлик даражасини ошириш ҳамда доимий шайлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Боғот туман бўлинмаси томонидан санитар постларни ташкил қилиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистони Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тузимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомга асосан ҳамда Хоразм вилояти ҳокимининг 2020 йил 5 сентябрдаги 323-сонли қарорига асосан, “Хоразм текс” ОАЖ ҳамда “Ободонлаштириш” бошқармасида 24 кишидан иборат санитар дружиналар таркиби қайта ташкил қилинсин ва биринчи ёрдамга ўқитиш ташкил қилинсин.

2. Тумандаги Боғот тумани СЭО ва ЖСХ Санитария бўлимида ҳамда Боғот туман халқ таълим бўлимига қарашли 1, 7, 16, 36, 44-сонли мактабларида 4 кишидан иборат бўлган санитар постлари таркиби ташкил қилинсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш Қизил Ярим Ой Жамияти Боғот туман бўлинмаси ижрочи директори Ф.Усмонова зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими

Ш.Яхшибаев